

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, мухтарам юртдошлар!

Азиз дўстлар! Авваламбор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, куни кеча ишга туширилган мухташам ва улугвор қошолада хуш кайфиятда кўриб, кутлаб турганимдан гоятда бахтиёрман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни тарихий сана — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намоён этадиган янги бино ва иморатлар бугун барча шаҳар ва вилоятларимизда қўллаб қад кўтармоқда. Албатта, уларнинг орасида "Тошкент-Сити" ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб турганингиздек, "Тошкент-Сити" маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятини яққол мужассам этди.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни куришдан асосий мақсад — замонавий, "ақлли шаҳар" барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи наобатда, гўзал пойтахтимиз жозибдорлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалга ошираётганимиздан халқимиз ва халқаро ҳамжамият яхши хабардор, албатта. "Тошкент-Сити" марказини барпо этиш гоёси ҳам айнан ўша стратегия билан бир пайтда туғилган эди.

Ўзбекистон тажрибасида биринчи бўлган шундай катта миқёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгитдан ўрганишимиз, тинимсиз изланишга тўғри келди.

Курилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этди.

Барчангиз кўриб турибсиз, бугун бу ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда курилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, "Тошкент-Сити" маркази Ўзбекистонда курилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсага қодир эканимизни кўрсатади, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг очиқ ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тадбирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада кучаяди, Ўзбекистон яна кўплаб йирик халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу мухташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқаро аҳамиятга эга бўлган янги гоё ва ташаббуслар

туғилдиган, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муаззам саройнинг бунёдкорларига — моҳир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар! Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш мана шу бетақор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга — давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказиб ўтганимиз бежиз эмас.

Бугун ушбу мухташам мажмуага дастлабки азиз меҳмонлар сифатида таширф буюрган сиз, қадрли юртдошларимизни, мухтарам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонқуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимиз, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакилларини чин қалбимдан табриқлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу муаззам қошога барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт куришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жаҳдаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий аъёна ва қадриятларга садоқат, улуг аждоғларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва кенг жамоатчилиқнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябр санасини "Ўзбек тили байрами кuni" деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ходимларнинг умумий қилган сонини 9 та штат бирлигидан иборат Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилсин ва унинг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Давлат тилини ривожлантириш департаментининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингнинг амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий иқро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ағона давлат сиёсатини юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, "Ўзбек тили байрами кuni"ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

(Давоми 2-саҳифада)

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев санаотни ривожлантириш, нефть-газ маҳсулотлари ишлаб чиқариши ва истеъмолчиларга мунтазам етказиб бериш борасидаги ишлар тахлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йилнинг 9 ойида ишлаб чиқариш ҳажми, прогноз параметрларининг бажарилиши бўйича ҳисобот берди. Қайд этилганидек, шу вақт мобайнида санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 234,7 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 фоизга ўсган. Унинг 6,5 фоизи иқтисодий "драйвери" — ишлаб чиқарадиган санаот ҳиссасига тўғри келган.

Хусусан, автомобилсозликда катта ўсиш суръатлари таъминланган. 2018 йилнинг шу даврига нисбатан энгил автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоиз, юк машиналари 33 фоиз, автобус 3,8 марта, автомобиль двигателлари 45 фоиз ошган.

Бошқа тармоқлар бўйича олганда, трикотаж мато ишлаб чиқариш 26 фоиз, чарм маҳсулотлари 22, цемент 18, кабель ўтказгичлар 23, истеъмол товарлари ҳажми қарийб 16 фоиз ўсган.

Худудлар кесимида энг яхши кўрсаткич Андижон, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида қайд этилган.

Давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ривожига эътибори, бу борада қабул қилинган фармон ва қарорлари самарасида юртимизда тадбиркорлик муҳити тубдан яхшиланди. Буни жорий йил бошидан буён жами 72 минг 400 та, санаот тармоқларида 16 мингта яқин янги кичик бизнес корхоналари ташкил қилинганда ҳам кўриш мумкин. Жами кичик санаот корхоналари сони 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоизга кўпайган.

Тадбиркорларнинг санаотдаги улуши ҳам сезиларли ортмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнес корхоналари томонидан жами 81 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами санаот ишлаб чиқаришининг 34,5 фоизини ташкил қилади.

Санаот ривожига экспорт ҳажмининг 24 фоизга кўпайишини таъминлади. Жумладан, энгил автомобиллар экспорти 3,3 марта, автобуслар 2 баробар, юк автомобиллари 1,5 марта, трансформатор ва аккумуляторлар 2,7 марта, кабель ўтказгич маҳсулотлари 2,2 баробар, пойабзал 2,1 марта ошган. Тайёр трикотаж ва тикуччилик маҳсулотлари 25, трикотаж мато 31, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари 38, озиқ-овқат маҳсулотлари 14, рангли металллар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 45, қора металлдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 54 фоиз ошган.

Иқтисодиёт ва санаот вазирлигига санаот тармоқларидаги ҳолатни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш, худудларнинг санаот салоҳиятини янада оширишга туртки берадиган тизим яратиш юзасидан топириқ берилди. Бунда кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатдорлигини оширишга тўқинлик қилмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳити-

ни ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар: халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича "Йўл харита"си (кейинги ўринларда — "Йўл харита"си) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин: озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизли-

ни таъминлаш ва истеъмол рақибини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардор, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармогини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитални оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокчи кампанияри ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

(Давоми 3-саҳифада)

БОЙСУНДА ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Бойсун туманида "Бойсун барака чеварлари" корхонаси фойдаланишга топширилди.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги корхонанинг тантанали очилиш маросимда вилоят ва туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг бандлик масаласини ҳал этишга қаратилган эътибор аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп худудларда қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашда юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус бу борадаги ишларни янги босқичда ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Енгил конструкцияли курилиш материаллари асосида бир ойда куриб битка-

зилган корхона ишга туширилиши билан 150 нафар хотин-қизнинг бандлик масаласи ҳал этилди. Хитой, Туркия ва Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган замонавий мажмуада кийиниш, ювиниш, дам олиш, тиббиёт хоналари, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналар барпо этилган. Тогли туманда янги корхонани куриб, жиҳозлаш учун 1 миллиард 700 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Келгусида бу ерда яна 150 хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг бир қисмини хорижга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболов сўзга чиқди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.



МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Боши 1-саҳифада)

Қадри ватандошлар!
Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.
Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, баҳши ва ҳофизларимизнинг сөхри қўшиқларига қулоқ тўтсин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва галабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, барди дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз қулар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-уқубатлар, қулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлигини ва истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамастан, ўз она тилини – миллий гурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидоийлик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, уламоларимиз, улуг санъаткорларимизнинг хотирасини бугун ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ушбу кутлуғ айёми байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини – “Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кўни эслашимиз уринлидир.

Юртимизда мустақил тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган оғир шариоатда халқимизнинг тақдири ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атрофида қандай қизгин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйлаб-ўйлаб, кўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслайди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидоий ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз муҳтарам Исро Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий иродаси катта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуг мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Бу қонун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорининг ёрқин намоёни бўлди. Орадан икки йил ўтди, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди. Мамлакатимизнинг Асосий қонунини – Конституциясининг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янраётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш уриради.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортқ миллат ва элат вакиллари уни ўзаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланди.

Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

“Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни яққалам”, деб ёган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Барчамизга яхши аёни, она тили – миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуг маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, **ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир.**

Шу маънода дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Мустақиллик йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш йўлида катта чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда Ер юзиде 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий

тил мақомига эга.

Шу нуктаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақоми ҳуқуқий жиҳатдан муҳраб берган мазкур қонуннинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.
Бу тарихий воқеадан сўнг лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ҳақида яна бир муҳим қонун қабул қилинди.

Ҳурматли ватандошлар!
Бугун жонажон Ўзбекистонимиз “**Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари**” деган устувор гоа асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарлардан баралла янрамоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, кинотехнология маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили равангига бевосита хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда она тилимизда фаолият юритадиган юзлаб ботчалар, мактаблар, олий ўқув юртлири, янги газета ва журналлар, теле-радио каналлар, нашриётлар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилаётганини қайд этиш лозим.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фаолият йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди.

Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугунги ва истиқбол ҳақида амалий тақлиф ва ташаббуслар билдирилётгани гоят муҳим аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, азим пойтахтимиз марказидаги Миллий боғ худудида Адилбег хибобни бунёд қилинмоқда. Бу гўзал масканда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намояндалари, ўзбек тилининг чинакам жонқуярлари хотирасига бағишланган айниқса эътиборлидир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидеги ижод мактабларини ташкил этдик. Мухаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Иброт, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шариоит яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозғоистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университетини ва 100 дан зиёд мактабда ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин қўлаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида “**Ўзбек тилининг дўстлари**” клублари ташкил этилаётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қувончимизга шерик бўлаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакиллари уларнинг юртларида ўзбек тилига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун ташаккур изҳор этаман. Айниқса, Ўзбекистондаги хизмат фаолияти давомида ўзбек тилини ўрганиб, фаол мулоқот қилаётган хорижий дипломатларга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, яқинда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақоми юксалтиришга хизмат қилади.

Кенгаш саммитида билдирган ташаббусларимиз, хусусан, қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналарини муҳасам бўлган юз жилдик “**Туркий адабиёт хазинаси**” ки-

тоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида нашр этиш тақлифимиз ижобий қабул қилинди.

Азиз дўстлар!
Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйдик. Мен бугун “**Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақоми тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги фармонга имзо чекдим. Унга биноан “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда “**Ўзбек тили байрами кўни**” деб белгиланди.

Ўйлайманки, ўзбек тили байрамнинг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонли халқимизнинг миллий руҳи ва гурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади.

Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид қўллаб масалалар қаторида **Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма** ташкил этилганини ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан қўллаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Глобаллашув шариоитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг лугат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилни яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўғрисини айтиш керак, бу масалада ҳам оқсоқлигимиз бўлди. Шу муносабат билан фармонда янги сўз ва атамаларнинг расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга солидиган **Атамалар комиссиясини** тузиш масаласини ҳам назарда тутдик.

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. **Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.**

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва гамхўрлик мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Қадри юртдошлар!
Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан ди-ривилларда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, ахил ва ҳамжихат бўлиб, тинч ва осойишта муҳитда яшаб келадилар.

Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларнинг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайдди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туйғайли, ҳозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун ҳамма шарт-шариоитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жойларда фаолият кўрсатаётган 140 га яқин миллий маданий марказ айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Дона халқимиз “Тил билган – эл билади” дейди. Бу борада буюк боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фароний, Маҳмуд Замаҳшарий, Алишер Навоий каби улуг аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққилларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, италиян, араб, форс, турк, хитой, япон, корей, ҳинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу аънаналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.
Мен бугун азиз болаларимизга мурожаат қилиб, улуг аллома, ХХ аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида лугат тузган Исҳоқхон Ибротнинг мана бу қимматли сўзларини эслатмоқчиман: “**Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир.**”

Ўйлайманки, бу сўзларга ортиқча изохнинг ҳожати йўқ.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!
Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мақоми янада ошириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Авалло, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонунни бугунги кун талаблари нуктаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа фундаментал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, санаят, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўллаш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларга мансуб ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганишлари учун тегишли шариоит яратиб бериш, юртимизда ва хорижда ўзбек тилини ўргатадиган ўқув марказларини қўлайтириш зарур.

Шу мақсадда янги дарсликлар, қиёсий ва турли соҳаларга оид лугатлар, иш юритиш ва сўзлашув қўлланмалари нашр этиш, лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш, бу тизимга тўлиқ ўттиш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур. Бу ишлар учун молиявий ресурслар ва маблағларни асло ямаслигимиз керак.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан она тилимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукаммал энциклопедиясини яратиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмақда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқarli тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон лугатларни яратиш керак. Интернет имкониятларидан фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий гоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан синдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукаммал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равоқ қўйдиган, равоқ ёздиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу – бу жой номларини белгилаш масаласи, десак, хато бўлмайди.

Афсуски, жамоат ҳойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпичча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талаблари, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур.

Чуноки ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз халқимизнинг тақдири, эртанги кунни ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллийимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачигидай сақлашимиз зарур.

Муҳтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

Муҳтарам ватандошлар!
Сизларни ва бутун халқимизни ўзбек тили байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга файзу барака, бахту саодат тилайман.

Ўзбек тили – она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътибори янада зиёда бўлсин!
Шундай бебаҳо бойлик соҳиби бўлган, уни ҳамиша асраб-авайлаб келаётган азиз халқимиз омон бўлсин!
Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш; давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) уч ой муддатда: “**Ўзбек тили байрами кўни**”ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини;

“**Давлат тили ҳақида**”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуктаи назардан такомиллаштирган ҳолда унинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) **икки ой муддатда** хорижий давлатлар тажрибасига чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилсин;

в) **2020 йил 1 июнга қадар** қуйидаги асосий йўналишларини ўз ичига олган **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури** лойиҳаларини киритсин:

мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, санаят, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиш бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш; давлат тили қондаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва ҳар томонлама ўргатиш, уларни бартароф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ҳудудиде истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шариоитлар яратиш бериш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликларини ва электрон дастурларини ишлаб чи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда tutuvchi tabiiy resurslardan oqilona foydalanishi va atrof-muhitni muhofaza qilish tizimini takomillashtirish;

қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда tutuvchi boshqaruvning zamonaviy tizimlarini rivojlantirish;

фермер хўжалиқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, махсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармок дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шакллари қўллашни назарда tutuvchi ilm-fan, ta'lim, axborot va maslahat xizmatlari tizimini rivojlantirish;

қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга қўмақлаштиришни назарда tutuvchi qishloq hududlarini rivojlantirish dasturlarini amalga oshirish;

замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўлғаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда tutuvchi tarqatish statistikasining shaffof tizimini yaratish.

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 3-иловага мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Н.Арипов): Стратегиянинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин ҳамда белгиланган индикаторларга эришиш устидан доимий мониторинг олиб борсин;

бир ой мuddatда Стратегиянинг ҳар бир асосий йўналиши бўйича малакали мутахассислардан, шу жумладан, хорижий экспертлардан иборат таркибда доимий ишловчи ишчи гуруҳларини, уларга халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар грантлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгиланган ҳолда шакллантирсин;

Стратегия ва "Мўлжаллар" сичи амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларни сифатли ва ўз мuddatида ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

ҳар йил 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил этган ҳолда Стратегияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси сифатли ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини ташкил этсин;

ҳар чорада Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Стратегияни амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар ҳақида ахборот тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой мuddatда мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз мuddatларида бажарилишини таъминлаш мақсадида вазирлик тузилмасида қўшимча 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин ҳамда хорижий экспертлар жалб этилишини таъминласин.

Хорижий экспертларни жалб этиш вазирлиқнинг бюджетдан ташқари ҳамда халқаро молия институтларининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон "Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузурида Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ташкил этилганлиги ҳамда унга сув хўжалиги соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги мажбур инвестиция лойиҳалари, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, шунингдек, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар саклаб қўлинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибига ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари параметрларида қишлоқ хўжалиги харажатлари таркибининг диверсификация қилишнинг мақсадли йўналишлари 4-иловага мувофиқ белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига: Стратегия ўз вақтида ва самарали юри этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш; амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотлари ҳар чорада Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишли ҳақ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddatда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Наманган вилояти

Маълумки, яқинда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига галла етиштирувчи фермер хўжалиқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан мурожаатнома йўллади. Айни кунларда бу мурожаат жойларда кенг муҳокама қилиняпти.

Наманган вилояти фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси АЗИЗБЕК АБДУСАЛОМОВ шу хусусда муҳбиримиз РАВШАНБЕК МИРЗАОЛИМОВга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Қўрилаган чора-тадбирлар ва изчил ислохотлар боис, аграр соҳада қувонарли натижаларга эришялмиз.

Галлачилик, пахтачилик ва деҳқончиликнинг барча тармоқларида кайроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олишга харажат қиялмиз. Бир қараганда ҳаммаси рисоладагидей. Энда мўл-кўчлик, бозорларимиз, дастурхонимиз тўкин-сочин.

Аммо галла етиштириш, уни қайта ишлаш, аҳолига етказиб бериш, молиявий барқарорлиқни таъминлаш борасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Бу ҳақда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раёсатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا, Ўзбекистон Рес-

Ғаллачилик: ЭРКИН НАРХ – МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК

публикаси Ҳукуматига йўллаган галла етиштирувчи фермер хўжалиқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан мурожаатнома аниқ асос ва мисоллар билан баён этилди.

Жорий йилда вилоятимизда 5017 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 1874 тасида галла етиштириш борасида бой тажриба тўлланган. Улар томонидан ўтган йили 333 минг 158 тонна галла етиштирилиб, ҳосилнинг 234 минг 224 тоннаси товар дон, 13 минг 824 тоннаси уруғлик дон сифатида давлат хирмонига топширилган. 85 минг 109 тонна дон эса фермер хўжалиқлари ихтиёрида қолган. Аммо ҳар гектар ерга сарф қилинган маблағ 4-4,5 миллион сўмни ташкил этишини, бир килограмм дон учун 800 сўмдан нарх белгиланганини ҳисобга олсак, ўртача 60 центнердан ҳосил етиштирган хўжалиқларнинг аксариятида умуман дурустроқ фойда қўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ҳосилдорлиқнинг ошиб бориши ҳисобига рағбатлантиришнинг йўлга қўйилиши галлачиликка бўлган муносабатлари тубдан ўзгартирди. Йил якуни бўйича 1600 та фермер

Жорий йилда Президентимиз ташаббуси билан бир тонна галланинг харид нархи 1 миллион 200 минг сўм миқдорига белгиланиши ва ҳосилдорликдан келиб чиқиб 25 фоизгача устама ҳақ тўланиши баробарида галланинг ўртача нархи 1 миллион 420 минг сўмни ташкил этди. Ғаллачиликка қаратилган бундай эътибор ҳар гектар ҳисобига 70-75 центнердан ҳосил олаётган фермер хўжалиқлари сафини янада кенгайтирди.

хўжалиқлари 10, 20 ва 30 фоизли устама ҳисобига 39 миллион 565 минг сўм қўшимча маблағ олиш имкониятига эга бўлди.

Жорий йилда Президентимиз ташаббуси билан бир тонна галланинг харид нархи 1 миллион 200 минг сўм миқдорига белгиланиши ва ҳосилдорликдан келиб чиқиб 25 фоизгача устама ҳақ тўланиши баробарида галланинг ўртача нархи 1 миллион 420 минг сўмни ташкил этди. Ғаллачиликка қаратилган бундай эътибор ҳар гектар ҳисобига 70-75 центнердан ҳосил олаётган фермер хўжалиқлари сафини янада кенгайтирди. Моддий манфаатдорлигини оширди. Молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим асос бўлди.

Мурожаатнома ва унда баён этилган тақлиф, фикр ва мулоҳазалар вилоятимизнинг барча туманларида ўрганилиб, муҳокама қилинди. Ғалла етиштириш билан шуғулланувчи барча фермер хўжалиқлари раҳбарларининг ёзма муносабатлари олинди. Улар таъкидлаганидек, ҳақиқатдан ҳам олдинлари галла етиштирувчи фермер хўжалиқларига яратиб берилган шарт-шароит, имкониятлар етарли бўлмаган. Банклар томонидан ажратилган имтиёзли кредит маблағлари зўрга харажатларни қопларди. Дон қабул қилувчи қорхоналар томонидан галла ҳақларининг шартномада кўрсатилган мuddatда берилиши ҳамон пайсалга солиниб келинаётгани ошкор айтилди.

Давлат эҳтиёжлари учун етказиб берилган бошоқли дон учун якуний ҳисоб-китоб ҳислари 2019 йилнинг 1 сентябрга қадар тўлиқ тўлаб берилиши керак эди. Жорий йилнинг 19 сентябрь ҳолатига вилоятдаги "Ўздонмахсулот"

Зафар муборак! Андижонлик деҳқонлар ПАХТА ЕТИШТИРИШ ШАРТНОМА РЕЖАЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН АДО ЭТДИЛАР

Мавсум давомида ҳаво ҳарорати қарийб бир ой узлуқсиз 40-45 даражани ташкил этиб турдики, бу пайтда қушларнинг чорак уриб уқушлари тинди, кўпчилик ўзини соя-салқинга урди. Пешонасига дурра боғлаб олган деҳқон эса даласини тарк этмади. Аксинча, ғўзани ишлади, ҳосил тугунчаларини саклаб қолиш билан боғлиқ агротехник тадбирларни бир-бирига боғлиқ тарзда давомли олиб борди.

– Далага чиққанимга 40 йилдан орти, – дейди Қўргонтепа туманидаги "Савай кўрки" фермер хўжалиги раҳбари Нурмухаммад Қоқов. – Ёзининг жазирамасини кўп кўрганман. Бу йилги сиз узоқ давом этиши билан ажралиб турди. Читгини плёнка остига экканлигимиз, ғўзанинг ўзига келгунга қадар 3 бор баргидан озиклантирганмиз, тунги суғоришга тўла ўтганлигимиз ўз натижасини кўрсатди. Шона, гул ва қўсак яратиш узвий тарзда кечди.

Бугун Нурмухаммад Қоқовнинг кайфияти чоғ. Бир терим билан 30 гектар ернинг барчаси ҳисобига 43,3 центнердан олий нал пахта териб олинди. Айни дамда иккинчи терим бормоқда. Ҳосилдорлик 47,3 центнерга етган вақтда далада иккинчи теримни кутаётган 20 гектар пахтазор бор.

Қўргонтепада Нурмухаммад каби 40-50 центнерчи фермерлар бу мавсумда шу қадар кўпайдики, биргина "Савай" худудига ўндан зиёд фермернинг қисқа вақт ичида юзи ёруғ бўлди. Вилоятда теримчилардан бўлиб пахтачилик кластери айнан Қўргонтепада ташкил этилди. Иккинчи мавсумни ўтказаятган "Khantex group" кластери фермерлар билан янгича ишлаш муҳитини ўзлаштирмоқда. Кластерга сифатли тола керак, фермерга эса даромад. Ана шу жиҳат бугун фермерларнинг юз-кўзида акс этиб турибди. Бу



куруқ гап эмас. 8136 гектар майдонга фақат битта нал – маҳаллий селекционерлар томонидан яратилган ғўзанинг "Андижон-36" навининг экиланлиги вегетация давомида агротехник тадбирларни туман миқёсида бир маромда олиб боришга йўл берди. Хўш, натижа қандай? 16 октябрь куну туманда 25 минг 570 тонна пахта хомаёси териб олинди, режа 107,13 фоизга уддаланди. Тайёрланган ҳосилнинг барчаси биринчи навга қабул қилиндики, ҳали бундай натижа қайд этилмаган. Далада теримчиларни кутаётган 300 гектарга яқин биринчи терим пахта турибди. Иккинчи терим эндигина бошланаётганлигини инобатга олсак, Қўргонтепада пахта тайёрлаш режасини бажариш бемалол 120 фоиздан ортиб кетиши кутилди.

Жалақудуқлик фермерлар илк бор кластер таркибиде пахта етиштирмоқда. Икки томоннинг ўзаро ҳамкорлиги боис, дала ишларида олдинга

ги кўтаринкиликнинг асоси бўлаётди. Териб олинаётган пахтанинг биринчи навга ўтаётганлиги ва хирмоннинг меҳнати шарафланган фермер Абдуқошим Нурматов билан йўл-йўлакай суҳбатлашдик.

Пахтабодиллик деҳқонларнинг маҳоратига тан бермасликнинг иложи йўқ. Ҳамиша сўзининг устидан чиқишни қўйиллатиб келаётган фермерлар бу мавсумда ҳам қарвонбошлар сафиде. Ишларнинг боришини кузатсангиз, англайсизки, ўзаро ҳамжиҳатлик устувори. Йигим-терим бошлангуси эълон қилиниши биланок, дала ўз-ўзидан гавжумлашиб кетади. Фермер таъзим билан уларга қарши чиқар экан, кўни-қўшниси, ёру-биродарининг оқибатидан боши осмонга етади. Айтайлик, Богигулистон маҳалласида яшовчи Зарифахон опа, Аъзамжон, Ҳабибулло, қизи Мафтунабону ҳамда келини Нигорахонлар ўз ихтиёри билан 62-отряд таркибиде теримда қатнашишларини билдиришди. Бундай ташаббусдор оилалар шу қадар кўпки, 19 минг 333 тонналик пахта хирмони қисқа вақт мобайнида қад ростлади. Бир неча кундан буён режага қўшимча пахта тайёрлаётган пахтабодиллик хирмони юксалиб бормоқда. "Сарвинон парвоз", "Олтин", "Карим Сайёд", "Ўткирбек Шокиров", "Мақсуда Қаҳрамон", "Маскан Эсоний" "Файзулло" каби фермер хўжалиқлари эришилган ютуққа ўзларини биларакали улушларини қўшилди.

Уч ҳафтада салкам 10 минг тонналик пахта хирмонини тиклаган булоқбўшиликларнинг шижоати таъсирдорлиги ортаётганлиги қувончли ҳолатдир.

Избосканда бўлганимизда, эътиборни тортадиган воқеликка дуч келдик.

деҳқончилик мактаби яратилган бўлиб, фермерлар устозлик мактабини янада бойитмоқдалар. Ғалаба шодийнаси куну меҳнати шарафланган фермер Абдуқошим Нурматов билан йўл-йўлакай суҳбатлашдик.

Тумандаги энг йирик хўжалик ҳисобланган "Абдуқошим Нурматов" фермер хўжалигида 123 гектар майдонда ҳосил яратилди. Маҳаллада шакланган 36 отряд теримчилари шарофати билан саноқли кунларда 450 тонна пахта териб олинди. Ҳосилдорлиқни 37 центнерга етказган фермернинг мўлжали катта. Туманда режа бажарилган кунда Абдуқошим Нурматов ва яна бир ҳамкасби Исмаилло Исматов ҳамда илгор теримчи Марямхон Пирматовга енгил автомобилларнинг қалитлари топширилди. Танкили санъаткор Шерали Жўраев ўзининг сара қўшиқларини пешқадам деҳқонларга бағишлаб концерт намойиш этди.

– Биз биринчи марта етиштирилган ҳосилимизни аъзоларимиз ва маҳалладошларимиз билан йигиб-териб олдик, – дейди Абдуқошим Нурматов. – Авваллари икки обғимиз бир этикда бўларди. Юзлаб ҳашарчиларни кутиб олиш, уларнинг қўнглини олиш ва бошқа расм-русуллар бор эдики, охир-оқибат кирадиган даромаднинг анчаси ташкилий ишларга "ем бўларди". Далага пахта тергани эмас, балки дам олиш умидида келган ҳашарчиларни ҳам кўрганмиз. Аввало, Президентимизга, жамоатчиликка раҳмат. Мавсумнинг бу қадар сокин ўтаётганлиги, қишлоқ одамларининг манфаатдорлиги ортаётганлиги қувончли ҳолатдир.

Избосканда бўлганимизда, эътиборни тортадиган воқеликка дуч келдик.

"Чўнбоғиш элита" фермер хўжалиги шийпони шу қадар гавжум, мусика садолари атрофга таралаётган эди. Хўжалик раҳбари Улуғбек Охунов катта хирмон яратилгани ҳақида бир обғиз сўз очди ва бош суви Рафиқжон Ҳажимовга "Спарк" машинасини тақдим этди. Тақдирини давомида 18 нафар механизатор ва сувиға везосипеда тортиқ қилинди. Саратонда чопиқчилик қилган ва бугун эса хўжалик хирмонини оқсалтираётган юздан зиёд теримчиларга қимматбахо совғалар топширилди.

– Йил якунида ҳам хўжалигимиз аъзоларидан бирини енгил машина билан тақдирлашнинг ҳисоб-китобини қилмоқдамиз, – дейди Улуғбек Охунов. – Бундай мукофот бундан буён айнана тусини олади.

Жорий йилда 240 минг 800 тонна пахта тайёрлаш режасини 30 иш куниде бажарган андижонликлар бу галли олтин кўздан беҳисоб рози бўлишмоқда. Утган кўздан буён дала ишларини қай йўсинда олиб бориш бўйича жойларда ўтказилган мулоқотлар, кластер тизимини шакллантириш, фермерларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ўзининг натижасини бермоқда. Энг муҳими, куз бошида йигим-теримнинг уюшқоқлик билан бошланиши ортдан кузги бошоқли экинлар экишиде вазифа ўз ижросини топмоқда. Ҳали иккинчи теримнинг салмоқли қисми далада. Имкониятларини сарҳисоб қилган фермерларнинг ташаббуси билан режага қўшимча 30 минг тонна пахта тайёрлаш ҳаракати қизгин давом этмоқда.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.



Чексиз ғурур, юксак масъулият

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллик санаси олиймақом даражада, катта эътибор ва юксак масъулият ҳисси билан нишонланаётгани қалбларимизга чуқур қувонч ва фахр-ифтихор бахш этмоқда. Зеро, она тилимиз қадр-қиммати қадриятларимизнинг гултожидир.

Тил борки миллат бор, миллат борки халқ бор, давлат бор. Ана шу улғу ҳақиқатни теран англаб, энг олий қадриятимизни бошимизга кўтариётганимиз, тилимизни асраш-авайлаш, ривожлантиришни давлат сиёсатининг энг устувор масалаларидан бирига айлантираётганимиз Ўзбекистоннинг чин маънода дунёдаги энг мутараққий, қудратли давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига интилаётганини яққол намоён этмоқда.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида қад ростилаган "Tashkent city" даги осмонўпар меҳмонсарой анжуманлар залида илм-фан, адабиёт ва санъат арбоблари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида байрам муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда мамлакат раҳбари нутқ сўзлади. Президент нутқида тилимизнинг шонли тарихи, тараққиёт босқичлари, жумладан, турли даврларда учраган синовлари, унинг ҳақ-хуқуқини тиклаш учун олиб борилган машаққатли курашлар муфассал таҳлил этилди. Ана шу курашлар натижасида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар самарасини кўз қорачиқдай асраб-авайлаш қанчалар муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди. Йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатилди, уларни баратараф этиш бўйича олдимизда турган долзарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди. Она тилимиз, давлат тилимиз ўрни ва ролини миллий муқтадирлигимиз қадр-қиммати даражасида улуғлашимиз лозимлиги ўқтирилди.

Айнан шу куни мамлакатимиз Президентини томонидан "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон имзоланганлиги, унда ҳар йилнинг 21 октябр

санасини "Ўзбек тили байрами куни" деб белгилаш, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида "Давлат тилини ривожлантириш департаменти"ни ташкил этиш, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича "Атамалар комиссияси" ташкил этиш борасида аниқ вазифалар белгилангани ушбу масалага нақадар муҳим аҳамият берилаётганининг ёрқин исботидир.

Дарҳақиқат, бугунги талотўп замонда, жаҳон майдонида гоюлар кураши кун сайин авж олаётган мураккаб вазиятда тилимиз ҳақ-хуқуқини асраб-авайлаш нуфузини ошириш ниҳоятда долзарб ва ўткир масала.

Тилини ва қадриятларини, маданиятни ва маърифатини сақлолмасдан охир-оқибат миллий давлатчилигидан маҳрум бўлган халқлару миллатлар фожеаси тарихнинг аламли саҳифаларига абадий муҳрланган. Тили ўлган, миллати пароканда бўлган эл элларнинг аччиқ фарёди замонлар оша барчага огоҳлантирувчи бонг бўлиб янграб турибди. Бугун ҳам ана шу хавф турли шаклларда намоён бўлаётир. Бутун-бутун халқларни, миллатларни ўзгирди мосуво этишга, қарам қилишга уринувчи кўчлар бор. Уларнинг гумашталари, афсуски, ўз ораимиздан ҳам топилиб турибди.

Зеро, бегона қадриятларга сизиниб, ўзга тиллар мавқеини кучайтиришга интилиб, пайт поилаб юрганларнинг шикваю иддаолари гоҳ-гоҳ яқинигандан эшитилиб қолаётгани сир эмас-ку ахир. Биз дунёдаги барча халқлар қадриятларини, жумладан, тилларини ҳурмат қиламиз, бажонидил ўрганамиз. Бироқ, энг аввало, ўзимизнинг муқаддас қадриятларимизни эъозлашимиз, она тилимизни қадрлашимиз шарт. Шун-

дагина, дунёда ўзимизнинг муносиб ўрнимизга абадий эга бўламиз.

Шукрки, давлатимизнинг собитқадам ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган раҳбарияти, онгу шуури ўсган, ўзигини таниган доно халқимиз бундай манкуртона кутқуларга ҳеч қачон учмайди. Бир тан, бир жон бўлиб мустақил миллий давлатимизни сиёсий-иқтисодий ва маънавий-маърифий жиҳатдан барқарор ривожлантириш йўлидан асло тоймайди. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш борасида ташланаётган залворли қадамлар ана шу фикрни такрор-такрор тасдиқлайди, элу халқимизнинг бу борадаги умидишончини метиндек мустаҳкамлайди.

Айни пайтда бу ишонч юртимиздаги ҳар бир зиёли, қўйинги, ҳар бир онг-шуурли, эзгу ниятли инсон зиммасига жуда катта масъулият юклайди. "Бирники – минга, мингани – туманга" деган нақлни қалбга жойлаб, тилимиз қадрини сарбаланд этишни шахсан ўзидан, ўз оиласи, ўз меҳнат жамоаси, маҳалласи, қишлоғиго шахридан бошлаш зарурлигини тақозо этади. Зеро, ана шундай қилингандагина, бу борада кўзланган натижага эришилади. Яна куруқ даъвату чақирқиқлар билан кифояланадиган, сўз ва иш бирлигига эриша олмайдиган бўлсак, ҳеч нарса ўзгармайди. Ўтган йиллардаги хатолар сабогини унутмаслигимиз, энди белни маҳкам боғлаб, шижоату шиддат кўрсатмоғимиз лозим.

Бир туйғу кўнглимизга ёруғ умид, қомил ишонч бағишлайди: Куни кеча бошланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб тобора авжу кўтаринчилик билан давом этаётган ушбу улғувор байрам файзу шуқуқи, жанговар руҳи халқимиз қалбидан ўзликни англашнинг тамоман янгича ва қудратли тўлқини жўш ураётганини яққол кўрсатмоқда. Демакки, бу тўлқин асло сусаймайди, аксинча, йил сайин янада кучаяди.

Демакки, жонажон Ватанимиз тобора тараққий этиб, иқтисодиётимиз тез суръатларда ривожланиб, маданиятимиз, маърифатимиз янада гуллаб-яшнаб она тилимизнинг нуфузига обрў-эътибори ҳам шунга монанд равишда ошиб, юксалиб бораверади.

Ҳабиб ТЕМИРОВ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги муносабати билан Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида "Она тилим – жону дилим" мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Она тилим – жону дилим

Тантанали тадбирда вилоят ҳоқими, сенатор К. Турсунов иштирокчиларни муҳим сана билан муборакбод этди. Шундан сўнг, ўзбек тилини ривожлантиришга, уни ёш авлод қалбига сингдиришга муносиб ҳисса қўшиб келатган бир гуруҳ таълим фидойилари вилоят ҳокимлигининг ташақкурномаси ва қимматбахо соғавлари билан тақдирланди. Шунингдек, тил байрами муносабати билан вилоятда ўқувчилар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов ғолиблари ҳам муносиб рағбатлантирилди.

– Бу йилги байрам тадбирлари ҳар йилгидан ўзгача шуқуқда ташкил этилди. Айниқса, буюк мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоятимизда ҳақиқий шодибнага айланди. Тантаналарда ўнга қин хорижий мамлакатларнинг таниқли олимлари ҳам иштирок этгани эса унинг нуфузини янада оширди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Одил Ҳотамов.

Тадбир санъаткорларнинг она тилини мадҳ этувчи куй-қўшиқларидан таркиб топган гала концерт билан давом этди.

Отабек АСПОНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Ҳиндистонлик мутахассис Пастдарғомда пахта термоқда

Пастдарғом туманидаги Хончорбоғ муқобил машина трактор парк ҳудудидаги 152 та фермер хўжалиги "Амин Инвест Интернационал" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбек-Россия қўшма корхонаси билан пахта етиштириш юзасидан шартнома имзолаб, пахта хомашёси етиштирди.



Корхона томонидан 6,5 минг гектар майдондан 16 минг 314 тонналик улкан хирмон бунёд этишни режа қилган. Айни кунда қимматли санаот хом ашёсини тез ва сифатли йиғиб-териб олиш мақсадида Ҳиндистоннинг "ШАКТИМАН" компанияси пахта териш машинаси пахта далаларида синовдан ўтказилмоқда.

Эътиборлиси, Ҳиндистоннинг Мумбай провинциясида жойлашган "ШАКТИМАН" компанияси мутахассиси жаноб Харун Чопра тумanning "Катта Майданак" фермер хўжалиги далаларида бўлиб, маҳаллий ёшларга пахта териш машинасидан унумли фойдаланиш, сервис хизмати кўрсатиш юзасидан

қўмақлашди. – Замонавий пахта териш машинаси қатор афзалликларга эга. У билан бир кунда ўртача 10-15 тонна ҳосил йиғиштириб олинмоқда, – дейди "Амин Инвест Интернационал" масъулияти чекланган жамияти пахта кластери бош директори ўринбосари Баҳодир Нурмухаммедов.

Абдували ХУДОЁРОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Агаросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилояти бошқармаси бош инспектори.

Қишлоқ қурилиш банк: ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БАНК ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан "Нақд пулсиз амалиётлар: янги технологиялар ва хизматлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган ОАВ вакиллари 2018 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Хусусан, қарор ижроси доирасида банк томонидан "HUMO"

сўмга айирбошлаш имконини берувчи банкматлар ҳам ишга туширилган. Эътиборга молик жиҳати, 24/7 шохобчаларидаги банкматларда дунёнинг етакчи халқларга тарқатилган ва 8049 дона тўлов терминали жойлаштирилган.

Республикамиз ҳудудида 35 та 24/7 режимда, кечаю кундуз, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаси ишламоқда. Мазкур шохобчаларда хорижий пул бирликларини кечаю кундуз

Банк ахборот хизмати

ЎЭълон

Акциядорлик тижорат Халқ банки Хоразм вилояти филиали Амалиёт бўлимида "Бинони жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича смета ҳужжатларини тайёрлаш" бўйича танлов эълон қилади.

Танлов шартлари бўйича батафсил маълумотларни махсус ахборот портали xarid.uz сайтдан (лот 9055574) ва www.xb.uz сайтдан, шунингдек, душанба-жума кунлари соат 9-00 дан 16-00 га қадар кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин. Тижорат таклифлари 2019 йил 24 октябр куни соат 16:00 га қадар қабул қилинади.

Тижорат таклифида танлов ўтказиш шартларида белгиланган барча ҳужжатлар бўлиши лозим.

Манзил: Урганч шаҳри Тинчлик кўчаси 2-уй. Тел: (+998 62) 770-41-26, (+998 91) 912-88-62. АТ ХАЛҚ БАНКИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Қуриқлашда

замонавий технология

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар қуриқлаш бошқармаси 2-алоҳида батальони томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини турли ҳуқуқбузарлик ҳолатларидан дахлсизлигини таъминлаш йўлида самарали технологияларни қўллаш жорий этилмоқда.

Бугунги кунда 2-алоҳида батальон томонидан "Приток-А" автоматлаштирилган замонавий жиҳозлари жойларда ўрнатилмоқда.

Аҳоли ўртасида қуриқлашнинг бундай автоматлаштирилган технологияси жиноятнинг олдинчи олишдаги афзалликлар тарғиб қилинмоқда, тушунтирилмоқда.

Н.ДЖУРАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар 2-алоҳида батальони командири.

Реклама ва эълонлар



PROMZONA LEASING

TTZ-LS 138, TTZ-LS U62 минни тракторлари

Куну-тун: 71-280-00-71 promzona.uz

Махсулотлар сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

Йилига 2%дан лизингга

Олмасот т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "TOSHKENT SUV OMBORI QURILISH MONTAJ BOSHOQARMASI" остидаги корхонасига тегишли бир дона думалоқ муҳр йўлқўлганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Юнусовд т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "COMPANY OF PARTNERS" ХХ га тегишли бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўлқўлганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Шайхонқор т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "SILVER LINE" МЧЖга тегишли бир дона думалоқ муҳр йўлқўлганлиги муносабати билан бекор қилинади.

2011 й.да Берулий номи Тошкент Давлат Техника университети томонидан Жумоев Зейдулла Султановичга берилган В № 56 24 73 рақамли бакалавр дипломи йўлқўлганлиги сабабли бекор қилинади.

PLANETA SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАВ

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80X, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Махсулотлар сертификатланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglav_uz@mail.ru www.toglav.uz

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда Бошқа давхлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ахтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибхона – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04. web say: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-82-04

Вилоятлар:

- Андижон – (+99893) 630-73-03;
- Бухоро – (+99891) 401-29-59;
- Жиззах – (+99893) 940-10-78;
- Навоий – (+99891) 332-50-99;
- Фарғона – (+99893) 648-53-86;
- Самарқанд – (+99890) 407-78-03;
- Самарқанд – (+99893) 348-64-39;
- Сирдарё – (+99894) 168-23-80;
- Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
- Тошкент – (+99890) 976-39-58;
- Хоразм – (+99887) 790-47-51;
- Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-1025, ҳажми 2 боёқ табоқ, Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таъхирининг ўзида компьютерда терилди ва дизайн Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 776 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 02.25

ISSN 2010-7023

7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 0 7

Навбатчи муҳаррир: А.ХАҚБЕРДИЕВ